

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ
07.11.1995 й.
№ 424

"АСАКА" ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ
БАНКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА
(ЎзР ВМ 05.01.2001 й. 5-сонли Қарори таҳриридаги номи)

Мазкур қарорга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган
ЎзР ВМ 26.03.1996 й. 118-сон Қарори,
ЎзР ВМ 05.03.1999 й. 101-сон Қарори,
ЎзР ВМ 05.01.2001 й. 5-сон Қарори

Автомобилсозликни янада ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг автомобиль сотиб олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, "Ўзавтосаноат" уюшмаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Халқ банкнинг Тошкент шаҳрида бош офиси бўлган "Асака" давлат-акционерлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. (ЎзР ВМ 05.01.2001 й. 5-сонли Қарори таҳриридаги банд)

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, "Асака" банкнинг ўзбекистонлик таъсисчилари билан бир қаторда банкни ташкил этишда хорижий юридик шахслар ҳам қатнашишлари мумкин.

"ДЭУ" корпорациясининг (Корея Республикаси) унинг "Асака" банкини таъсис этишда қатнашиши ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

3. Махфий.

4. "Асака" банки таъсисчиларига бир ой муддатда таъсис мажлисини ўтказиш, таъсисчиларнинг устав фондидаги улушларини белгилаш, банк уставини тасдиқлаш ва белгиланган тартибда устав фондини шакллантириш тавсия этилсин.

"Асака" банки бошқаруви икки ой муддатда белгиланган тартибда акциялар чиқаришни ва сотишни амалга оширсин.

5. Қуйидагилар "Асака" банкнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:
республика автомобилсозлиги саноатини ва тегишли инфраструктурани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини устувор даражада маблағ билан таъминлаш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин маблағларини тўплаш;
автомобилсозлик саноати ҳамда унинг инфраструктураси корхоналари ва ташкилотларига, шунингдек автомобилларни сотиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ корхоналарга комплекс кредит-ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш;
автомобиль саноати корхоналарини маблағ билан таъминлаш учун хорижий инвесторлар ресурсларини жалб этиш;

республикада ишлаб чиқарилаётган автомобилларни сотиб олиш учун кейинчалик фуқароларга бериш мақсадида Халқ банкига ўзаро келишилган шартларда кредит ресурсларини жалб этиш ва бериш;

"ЎзДЭУАВТО" қўшма корхонаси учун республикада бутловчи ишлаб чиқаришларни ривожлантириш бўйича тадбирларни ва локал лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш;

қимматли қоғозлар билан, шу жумладан "ЎзДЭУАВТО" қўшма корхонаси автомобилларини сотиб олиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш;

чет эл валютаси билан, шу жумладан Ўзбекистон Республика валюта биржасида, операцияларни амалга ошириш.

ЎзР ВМ 05.03.1999 й. 101-сонли Қарорига мувофиқ 6-банд ўз кучини йўқотган

6. "Асака" банки фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун иловага мувофиқ таркибда комиссия тузилсин.

7. Марказий банкка:

бир ой муддатда "Асака" банкни рўйхатдан ўтказиш;

Ўзбекистон тижорат банклари уюшмаси билан биргаликда "Асака" банкни малакали мутахассислар билан таъминлашда ёрдам кўрсатиш тавсия этилсин.

8. Молия вазирлиги, Марказий банк, Ихтисослаштирилган "Асака" давлат-акционерлик тижорат банки ҳамда Халқ банки: (ЎзР ВМ 05.01.2001 й. 5-сонли Қарори таҳриридаги хатбоши)

ЎзР ВМ 26.03.1996 й. 118-сонли Қарорига мувофиқ 8-банднинг иккинчи хатбоши ўз кучини йўқотган

бир ой муддатда - автомобиль сотиб олиш учун фуқароларга имтиёзли кредитлар бериш тартибини, унда фуқароларга уларнинг гарови ва Халқ банки муассасалари қафолати билан кредит берилишини назарда тутган ҳолда;

икки ой муддатда - опционларни муомалага чиқариш ва улар билан операцияларни амалга ошириш қоидаларини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

9. "Ўзавтосаноат" уюшмаси уч ой муддатда "ЎзДЭУАВТО" қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган автомобилларни тўплаш, сотиш ва уларга техника хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган пунктлар ташкил этишни таъминласин, бунда техника хизмат кўрсатиш станцияларининг мавжуд шохобчаларидан фойдалансин.

10. Белгилаб қўйилсинки, 1998 йилнинг 1 январигача "Асака" банки маблағларининг унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириладиган қисми солиқлардан озод этилади.

11. "Асака" банки хизмат кўрсатадиган автомобиль саноати корхоналарига сўмларнинг Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган автотранспорт воситаларига бутловчи ва эҳтиёт қисмларни импорт қилишга йўналтириладиган қисмини эркин муомаладаги валютага имтиёзли айирбошлаш ҳуқуқи берилсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Асака" банки муассасаларини жойлаштириш учун бинолар ажратсинлар.

13. Марказий банк ва "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Асака шаҳридаги бўлимини "Асака" банки филиалига айлантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. "Ўзсаноатқурилишбанк" икки ой муддатда бўлимнинг асосий фондларини ва мол-мулкни қолдиқ қиймати бўйича "Асака" банки балансига ўтказсин.

14. Алоқа вазирлиги "Асака" банки буюртманомаларига биноан зарур миқдорда махсус алоқа воситалари ажратилишини таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.С. Ҳамидов ва Марказий банк Бошқаруви раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. Каримов

**Вазирлар Маҳкамасининг
1995 йил 7 ноябрдаги
424-сон қарорига
ИЛОВА**

ЎзР ВМ 05.03.1999 й. 101-сонли Қарорига мувофиқ илова ўз кучини йўқотган

**"Асака" банки фаолиятини ташкил этувчи комиссия
ТАРКИБИ**

Жўрабеков И.Ҳ.	-	Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Комиссия раиси
Ҳамидов Б.С.	-	Бош вазирнинг ўринбосари, Комиссия раисининг ўринбосари
Султонов Ў.Т.	-	Бош вазирнинг ўринбосари
Муллажонов Ф.М.	-	Марказий банк Бошқарувининг раиси
Азимов Р.С.	-	Ўзбекистон тижорат банклари уюшмасининг раиси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий Бошқарувининг раиси
Мардиев А.М.	-	Адлия вазири
Муҳиддинов Н.Ф.	-	Халқ банки Бошқарувининг раиси
Парпиев К.Р.	-	"Ўзавтосаноат" уюшмасининг раиси
Собиров З.К.	-	Марказий банк Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

